

УСТОЗИМНИНГ БЕМИННАТ САБОҚЛАРИ

Ҳамрохон Маматраимова ҳақида сўз кетганда “Устоз – отангдан улуғ” деган ҳикматни ўзгартириб, уни “онамдан улуғ” деб қўшимча қилгим келади. Гап шундаки, мен шу бугунги кунда нимагадир эришган бўлсам: касбимни жудаям севишим ва у билан фахранишм, фарзандларимни кутубхоначи касби орқали вояга етказаётганимда Устозим Ҳамрохон Маматраимованинг ўринлари бекиёсdir.

1992 йил Маданият институтининг кутубхоначилик факультетига ўқишига кириб, Устозим билан шу йилнинг ўзида “заочно” танишдим, чунки катта курсдагилар Маматраимованинг кимлигини бизга етказиб бўлишганди. 2 курсдан устоз фанлари ўтила бошланди. Москвада номзодлик диссертациясини ёқлаб келиб, институтда ишлаётганиларига хали кўп бўлмаган, билимлари “свежий”, тиллари аччик, қаламлари ўткир пайтлари. “Заочно” танишганимиз билан тўғридан-тўғри танишиши юз берганди, дарровгина катта курсдагиларнинг гаплари тўғри экан, деган хуносага келдим.

Чунки, ҳақиқатан ҳам, Маматраимова бир қарашда юмшоққина (жуссалари кичкина бўлганлари учундир) кўринсалар ҳам, аммо принципиал характерли, қаттиқ-кўл, ўз фанини мукаммал биладиган, ушлаган жойларидан узиб оладиган, энг муҳими “таниш-билишлар”ни умуман тан олмайдиган, фақат ва фақат ўқиб уққанларни хурмат килишлари аён бўлди.

Кутубхоначилик соҳасида “Библиография” фани энг мураккаб ҳисобланиб, 3 йил давомида унинг турли ўйналишларидан таълим олганмиз. Устозни биз талабаларнинг қизиқтириши чуқур билим олишимизга, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишимиз учун ўқиши ва ўқиши кераклиги бизга қўйилаётган жуда юкори талабларида намоён бўларди. Биргина воқеани эслаб ўтаман. Ўзбекистонда олий ўкув юртларига кирувчиларни янги баҳолаш, яъни тест синовлари орқали қабул килиш 1993 йилдан амалиётга кирган бўлса. кутубхоначилик факультетида биринчилардан бўлиб Маматраимова ўз фанларидан сессия пайтида тестлар орқали талаба билимини баҳолашни бошлаганлар. Эсимда, 3 курсдалигимизда, “Библиография ишини ташкил қилиш” фанидан устоз тест тарқатдиларда, шундай дедилар: “Билиб қўйинглар, тестни неччи баҳога топширсанглар, имтиҳоннинг баҳоси шу бўлади”. Тест ҳаяжон билан топширилди, ундан ҳам ҳаяжонлиси тест натижаларини эшлиши эди. Кейинги ҳафта қачон келади-ю... Балки буни ҳамма ҳам мендек кутмагандир, лекин 3 йил давомида кутубхоначилик факультетида, қолаверса, институтда “круглый отличник” дейдиган талабалардан бўлганим учун, уялиб қолмасликдан, ҳақиқатан аълочи номига муносиб бўлиш масъулияти елкамни босарди.

Ҳамрохон опа бирма-бир тест жавобларини эълон қилиб, ҳар бир талабага тўплаган баллари ва унга изоҳ



бердилар. Навбат менга етиб келди ҳам. Орадан шунча вакт ўтди, ҳозир ўйлаб қарасам, курсдошларим билан ҳаётимдаги биринчи тестдан ўтишимни бир мен эмас, назаримда, ҳамма кутгандек. Чунки, Маматраимова Алимова фамилиясини эълон қилганларида, ҳамма менга қаради. “Хўш, Алимова? Сиз факультетнинг олди бўлишга даъвогарлардан бирисиз, тўғрими? Ҳаракат қилиши керак, ўқиши керак, ўтилган дарсларни қайтариш керак, фақатгина ўтилганлари билан чегараланиб кол-масдан, мавзу бўйича қўшимча манбаларни излаб, ўзлаштириш керак - дейилганнинг ўзидаёқ, танамдан совук тер чиқиб кетди. Демак, натижа кутганимдек эмас. Ҳамманинг кўзи менда... Курсдошларимдан бирини сабри чидамади шекилли, секингина нечта топибди! - деб сўради. Алимова 50 та тест саволидан 49 тасига тўғри жавоб берган... Бу сиздек аълочи талаба учун яхши кўрсаткич эмас, чунки аълочиликка даъвогар-лар умуман хато қилмаслиги керак, тушундизми? - деб гапларини тўхтатдилар. Ҳамма ҳайрон, чунки бунаقا кўрсаткич бошқа ҳеч кимда йўқ эди. Кутилган мақтov ўрнига... эшитилди. Мана устозимнинг юқори “планка”лари! Юзим қип-қизил, бошни кўтаришга, курсдошлар кўзига қарашга куч йўқ...

Бу воқеа, биринчи тест синовлари ҳеч қачон ёддан чиқмайди. Институтни тамомлаётганда ёзиладиган диплом ишим раҳбари ким бўлиши ва қайси мавзуда илмий иш қилишимни 4 курсда ҳамма қатори танлаган бўлардим, лекин мен бу воқеадан сўнг масалани ҳал қилиб бўлгандим.

Устозим билан дипломни ҳам ёқладим, Абдулла Қодирий номидаги стипендия соҳиби ҳам бўлдим, устоз билан бирга битта кафедрада ишлаб, ўқитувчилик ҳам қилдим. Инсон сифатида устоз жуда олийжаноб, камтар, меҳрибон, самимий, зехнлари ўткир, ёлғондан, кўзбўя-мачиликдан нафратланадиган, тўғри гапни аямай юзга соладиган ҳақиқий Инсон эдилар. Фақатгина соҳаларининг билимдони эмас, балки бадиий адабиётни яхши биладиган, дунёқарашлари кенг, интеллектуал кучли мутахассис эдилар. Ҳамрохон Маматраимовага шогирд бўлганимдан фахрланаман. Ҳар йили таваллуд кунларида табриклаш учун уйларига бораардик. 2004 йили нимадир сабаб бўлиб табрикламадим, бир неча кундан кейин ўzlari қўнғироқ қилдилар. Бир хабар олай дегандим, тинчмисиз дедилар. Устоз, сизга совғам бор, туғилган кунингиз куни ўғил фарзанд кўрдим, невараларингиз 3 та бўлди дедим.

Умрлари қисқа экан. Аллоҳ суйган бандаларини эртароқ олиб кетади, деган гапларини эслайман доим. Охиратлари обод бўлсин.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси директори
Умидा ТЕШАБАЕВА